

УДК: 37.015.3

**ЎҚУВ -ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ВА УНИ БАРТАРАФ
ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА ПЕДАГОГИК
ИЖОДКОРЛИК УЙҒУНЛИГИ**

Шоназаров Жамол Умирзоқович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

shonazarov77@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада педагогик фаолият мазмуни, педагог шахси унинг касбий шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва касбий сифатларининг муҳим жиҳатларига оид масалалар баён этилган.

Шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида шаклланидиган муаммолар, низолар уларнинг шаклланиш сабаблари, олдини олиш йўллари ва ушбу муаммоларни бартараф этишда ўқитувчининг касбий маҳорати ҳамда унинг ўз фаолиятини муваффақиятли амалга оширишига оид устувор вазифалар келтириб ўтилган.

***Калим сўзлар:** педагогик фаолият, педагог шахси, ўқув-тарбия жараёни, касбий тайёргарлик, шахсий сифатлар, ахлоқий фазилатлар, касбий маҳорат, педагогик-психологик билимлар, педагогик низо, педагогик қобилият, касбий шаклланиш, педагогик ижодкорлик.*

ABSTRACT

This article describes the important aspects of the content of pedagogical activity, the professional formation of a pedagogue, the stages of development and professional qualities.

Also, the problems that arise in the educational process, conflicts, the reasons for their formation, ways to prevent them, and the professional skills of the teacher in eliminating these problems, as well as the priority tasks related to the successful implementation of his activities, are mentioned.

***Keywords:** pedagogical activity, pedagogic personality, educational process, professional training, personal qualities, moral qualities, professional skill, pedagogical-psychological knowledge, pedagogical conflict, pedagogical ability, professional formation, pedagogical creativity.*

КИРИШ

Ўқитувчи фаолияти, унинг касбий маҳорати ва касбий нуфузини ошириш масалалари, шунингдек, касбий сифатларининг муҳим жиҳатларини ўрганиш мустақиллик йилларида педагогика, психология фанларининг устувор

вазифасига айланди. Жумладан, кейинги йилларда мазкур муаммо бўйича бир қанча педагог ва психолог олимлар Ш.Ф.Сапаров, Д.Н.Арзиқулов, С.Лашин, М.Ю.Махкамова, Н.Д.Махмудова, Г.И. Махмутова, Г.Н.Нажмиддинова, Р.У.Нуржонова, Д.Ш.Олимова, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, М.Қуроноф, Н.М.Ўринова, Б.Ходжаев, С.Усмонов, Т.Ғаффорова, М.Г Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, Р.З.Ғайнутдинов, А.М. Жабборов, Ш.Р.Баротов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Г.Бердиев, С.Х.Джалилова, М.М.Мавланов, Н.М.Мажидов, А.М.Машкуров, Н.Х.Мураталиева, Ш.А.Эшметов, К.Б.Қодиров, Э.А.Хидиров ва бошқалар томонидан олиб борилаётган педагогик-психологик тадқиқотлар диққатга сазовордир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ушбу тадқиқотлар натижаси ва ўрганишлар таҳлилига кўра замонавий ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари унинг касбий тайёргарлиги ва меҳнат фаолияти давомида узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб бориши илмийлик, узвийлик, изчиллик ва тизимлилик, таълим-тарбиянинг бирлиги қоидаларига амал қилинган ҳолда изоҳлаб берилди. Мазкур мавзунинг ёритишда таҳлилий, эксперимент, кузатиш, фаолият маҳсулини аҳлил этиш, тест методлари, муаммоли ўқитиш, интерфаол методлар асосида педагогик жараёндаги муаммолар, низоли вазиятлар моҳиятан ўрганилиб таҳлил этилган. Жумладан, ҳозирги таълим жараёнида замонавий педагогда ўқитувчининг шахсига, касбига хос хислат ва ғазилатларнинг мужассам бўлиши, улардан ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўринли, меъёрида ғойдалана олиш зарурлиги М.Г.Давлетшиннинг “Умумий психология” ва ни назарда тутди. З.Т.Тўйчиева Г.У., Э.Асадовалар ҳаммуаллифлигидаги “Ёшлар ва конфликтлар ечими” номли адабиётларида назарда тутилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу нуқтаи назардан ўқитувчи хусусиятларига унинг шахсий ва касбий хислатлари, касбий билими, шахсий педагогик уддабуронлиги, ташкилотчилик малакалари, коммуникатив ва гностик малакалари ҳамда ижодий хислатлари зарурат эканлигини кўрсатиб ўтади. Шу билан бир қаторда, олимнинг таъкидлашича, ўқитувчи ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун юксак педагогик маҳорат ва педагогик қобилятга эга бўлиши лозимдир. Олимнинг мулоҳазаларига кўра, булардан ташқари яна ўқитувчининг эзгу мақсад сари интилиши, меҳнатсеварлиги, қатъийлиги, камтарлиги, ҳақгўйлиги, садоқатли бўлиши, намунали хулқи, юриш туриши, ўзини тута билиши, ташқи

қиёфаси, хуллас, унинг миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи сифат ҳамда фазилатларни эгаллаши унинг ўз касбий фаолиятига тайёрлиги ва ўқув-тарбия жараёни самарасини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини эътироф этади. Шу каби ўрганишлар, таҳлилий хулосалар ва шахсий тадқиқотларим натижасига кўра бугунги кунда илғор педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бўлғуси ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқари фаолиятларида билимларни ўзлаштиришни такомиллаштириш йўл-йўриқлари; талабаларнинг умумкасбий фанлар асосларини ўрганишга йўналтирилган қизиқишлари, эҳтиёжлари, мотивацияси, қобилияти ва дунёқарашига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, уларга зарур маслаҳат ва тавсиялар бериб бориш ҳамда амалиёт орқали педагогик фаолиятга тайёрлаш ёш ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Олий таълим тизимида ўқитувчиларни касбий сифатларининг психологик хусусиятларини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотларда бўлғуси педагогларни касбий тайёрлаш, уларда педагог шахси ва фаолиятига хос зарурий сифат ва фазилатларнинг шаклланишида ижтимоий-маданий, миллий-худудий хусусиятлар муҳим ўрин эгаллаши эътироф этилади. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим [1].

Ўқитувчилик фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирон муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқарашини, эътиқодини, онгини, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, улани ҳал қила олиш йўллари кидира топа билишларида ифодаланади [2]. Шу боисдан ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги бевосита ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятига, айниқса бу жараённинг самарадорлиги эса ўқитувчи масъулиятига бевосита боқлиқ. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини ташкил этиши ўқитувчи учун юксак талаблар қўяди, лекин унинг роли камаймайди, аксинча мураккаблашади, ўқувчи-талабаларнинг ақлий тараққиёти учун бевосита раҳбарлик қилиш зарурияти вужудга келади.

Ўқитувчининг касбий муҳим сифатлари ва педагогик фаолиятини ташкил этиш масалаларига гуманизм нуқтаи назаридан ёндашган олимлар А.Маслоу, К.Роджерсларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича,

Ўқитувчи энг аввало ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишни эрдан чиқармаслиги, юзага келган муаммоларни мустақил ечишга ўргатиши, ўқувчи ташаббускорлиги ва иждодкорлиги асосида ўзининг кимлигини намойиш этишига ёрдамлашиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи шахсий ҳамда касбий сифат ва фазилатларни тўлиқ эгаллаган бўлиши лозим. Бундай ўқитувчилар ўқувчилар билан кўпроқ дўстона мулоқотда бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар, мавзуга доир муаммони таҳлил қиладилар ва бир қарорга келадилар. Таълим жараёнида ушбу ўқитувчилар бутун эътиборини мавзу моҳиятини ўқувчиларга сингдиришга қаратиб, улар эътиборини, кечинмалари ва ўзлаштириш имкониятларини алоҳида эътиборга оладилар [3].

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида бевосита айрим низолар юзага келиши, содир бўлиши мумкин, яъни бу низолар таълим жараёнига хос шаклланадиган муаммолардир. Ушбу низо ва муаммолар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида, ёки ўқувчилар жамоасида содир бўлиши мумкин. Ўқувчилар жамоасида низоларнинг шаклланиш сабаблари, уларни ўрганиш, олдини олиш йўллари ва жамоада соғлом психологик муҳитни яратиш ҳам бевосита ўқитувчи шахси, унинг касбий маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги даврида ўқув-тарбия жараёнларига хос низоларни тушуниш кўникмасини ўстириш, шунингдек, низоларнинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш ёки бошқаришнинг самарали воситаларини топа билиш маҳоратларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Бўлажак ёш мутахассис педагогик фаолият соҳасида ўзини қанчалик кўпроқ, тўлароқ ва онгли равишда намоён этса, шу соҳада кўпроқ натижага эришади. Иккинчи томондан, ёш ўқитувчи ўзини касбий фаолият соҳасида намоён этиш учун қанчалик жадал курашса, касбий шаклланишда, касбий етукликда шунчалик юқори поғонага кўтарилади [4]. Шунинг учун ҳам педагогларни касбий тайёргарлиги ва касбий ривжланиши асосан уч босқичда: тайёргарлик босқичи, асосий босқич ва яқунловчи босқичларда амалга ошади. Тайёргарлик босқичида шахс ўзлигини аниқлайди, яъни ўзини намоён қилиш эҳтиёжини англайди, ўз нуқтаи назарини, атроф-борлиққа муносабатини белгилайди, фаолияти мақсадларини ойдинлаштиради, жамоанинг расмий ва норасмий тузилмаларида ўзининг ўрни ва ролини аниқлайди, ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-одоби, кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришнинг восита ва усулларини асослаб, белгилаб олади. Асосий босқич шахснинг ўзини намоён қилиш мақсадларини амалга ошириш жараёнидир. Яқунловчи босқичда-шахс ўзини намоён этиш соҳасида эришган натижалари баҳоланади, қийинчиликларнинг сабаблари аниқланади. Ўз ўрнини тўғри белгилаб олиш -

ўзини намоён этишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, унинг мазмуни ва характерини белгилайди, эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш жизки, бўлғуси педагогнинг касбий шаклланиши олий таълимдан бошланар экан, унга шу давр мабойнида назарий билимлар билан бирга амалиётда учраб турадиган педагогик низолар, ўқувчилар жамоасидаги муаммоли вазиятлар ҳақида ҳам амалий кўникмалар бериш ва уларни касбий тайёргалигини оширишда ижодкорликка алоҳида эътибор бериш ва қизиқтириш зарур. Чунки бўлажак педагог ўз соҳасига қанчалик қизиқса, интилса, ўз соҳасида ўзини тўлароқ намоён қилади.

REFERENCES

1. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: “Истеъдод, 2008. 4 - бет.
2. Гаффарова Т. Бошланғич таълим самарадорлигиги эришишнинг педагогик шарт-шароитлари. -Т.: “Машхур-прес”, 2017, 42- бет.
3. Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002. 58 - бет.
4. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат», -Тошкент, 2007 йил.- 127 - бет.
5. Юсупов Бекзод Эргашевич, & Хайитова Садокат (2019). Развитие образовательного процесса на основе инновационных подходов. Вестник науки и образования, (19-2 (73)), 42-46.
6. Юсупов, Б. Э. (2019). Инновационные педагогические технологии как фактор повышения эффективности образования. In Педагогика и современное образование: традиции, опыт и инновации (pp. 69-72).
7. Turabova, S. K. (2021). The relationship between the development of innovative thinking and argumentative competence. An International Multidisciplinary Research Journal, 11 (5), 297-300.
8. Турабова, С. К. (2022). ИННОВАЦИОН ТАФАККУР—ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(12), 424-429.